

Ислом мукаммал дин



19:00 / 14 январь 60

مَنْ وَالنَّصْرَى وَالصَّبِيحُونَ هَادُوا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا الَّذِينَ إِنَّ

عَلَيْهِمْ خَوْفٌ فَلَا صَلِيحًا وَعَمِلَ الْآخِرِ وَالْيَوْمِ بِاللَّهِ ءَامَنَ

يَحْزَنُونَ هُمْ وَلَا ٦٩

«Албатта, иймон келтирганлар, яхудий бўлганлар, собийлар ва насоролардан кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса ва

солиҳ амал қилса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар»
(*Моида сураси, 69-оят*).

Бунга ўхшаш оятнинг тафсири «Бақара» сурасининг 62-оятида ҳам ўтган. Аҳли китоблар Аллоҳ таолога берган аҳдларини бузиб, Тавротдан ва Инжилдан чекинганликлари аввалда эслатиб ўтилгани боис, бу оятда ҳақиқий аҳли дин бўлиш учун зарур умумий қоида баён қилинмоқда. Ким бўлишидан қатъи назар – хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ яҳудий бўлсин, хоҳ Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келишларидан олдин бутларга сиғинишни тарк этиб, ўз ҳолича, муайян бир динга эргашмасдан, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган собийлар тоифаси бўлсин, хоҳ насроний динидагилар бўлсин – Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтириб, яхши амал қилиши керак. Акс ҳолда ўзларига ёмон бўлади. Шу боисдан ҳам, оғизда ўзининг қайси динга мансублигини айтиб, мақтанишдан ҳеч фойда йўқ. Ҳар қавмнинг ўз дини ҳукм суриб турган пайтда амал қилгани фойда беради, холос. Қолган ҳаммаси бекорчи гап. Ҳар диннинг муддати тугаб, уни бекор қилувчи дин келганда, янги динга ўтиш зарур. Муддати қиёмат кунигача тугамайдиган охириги ва мукамал дин бўлмиш Ислому келганидан кейин ҳамма унга ўтиши, Аллоҳга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, Қуръонга ва иймон келтирилиши лозим бўлган яна бошқа нарсаларга иймон келтириши ҳамда яхши амаллар қилиши лозим. Ана шундагина:

«...уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди